O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 9 май ЖУМА

№ 36 (12.047)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## БУГУН – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ МУШТАРАК

**ҲАР БИР халқнинг ҳаётдан завқ, руҳий куч-қувват олиб яшаш имкониятини берадиган, кўпроқ шу миллатнинг ўзигагина хос ва мос маънавий-маърифий қадриятлари бўлади.**



Умуминсоний қадриятлар дея таъриф берилган бундай амаллар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этди ва ҳар жиҳатдан янада бойиди, такомиллашди. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг 9 май санасини Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳамда ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ҳақидаги Фармони бутун республика аҳли томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди ва қизғин қўллаб-қувватланди. Эндиликда ушбу умумхалқ байрами халқимизнинг бетакрор, беқиёс инсоний фазилатларини намоён этиш билан бирга ўзликни англаш, миллий қадриятларни қадрлаш, ҳаётга, инсонларга бўлган тенгсиз меҳр-оқибат, садоқат туйғуларини шакллантиришнинг муҳим омилига айланди. Бу қутлуғ кунда уруш қатнашчилари ва ногиронлари қаторида мана шу дориломон кунлар пойдеворини яратишда иштирок этган, халққа хизмат қилишни муқаддас бурч деб ҳисоблайдиган ва шу йўлда умрини, жонини пойдор қилган барча фидойи инсонлар хотираси ёдга олинади, ҳурмат бажо келтирилиб, эъзозланади.

– Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами ҳар йили катта тантаналар билан ўтказилмоқда, – дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгаши раиси Нўъмон Насимов, – Вилоятдаги уруш қатнашчилари билан бирга фронт ортида меҳнат қилган ҳамюртларимиз, барча фахрийлар алоҳида эътибор, иззат-икром билан қамраб олинмоқда. Айни кунларда, беистисно, ҳамма туман ва шаҳарларда байрам тантаналари уюшқоқлик билан давом этаяпти. Унда Президент фармонига кўра ажратилган пул мукофотлари уруш қатнашчиларига тантанали равишда топширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**ЎЗИГА хос файз-тароватли Хотира ва қадрлаш куни жойларда кенг нишонланмоқда. Бу кун Олмалиқ шаҳри аҳолиси учун ҳам унутилмас лаҳзаларни армуғон этди.**

## ГУЛЛАРГА БУРКАНДИ МАЙДОН БУ КУН

Шаҳар марказидаги Хотира майдонига тўпланган кексаю, ёш, уруш ва меҳнат фахрийлари чеҳрасида чуқур ҳаяжон. Ўтганлар хотирасига таъзим бажо келтирилиб, Мотамсаро она ёдгорлиги пойига гуллар қўйилди. Дориломон кунларни кўриш насиб этган барҳаёт фахрийларга ҳурмат ва эъзоз кўрсатилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди.

**СУРАТДА:** маросим пайти.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 63 йиллиги муносабати билан йўллаётган самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Ушбу унутилмас кунда биз Ватанни фашизм балосидан асраб қолган, бу йўлда мислсиз жасорат кўрсатган уруш фахрийлари ва фронт ортида меҳнат қилган инсонлар олдида ҳурмат бажо келтирамиз. Уларнинг жасорати ва матонати, бардоши ва ҳамжиҳатлиги мамлакатларимиз халқларининг бугунги авлодлари учун ҳам муносиб намунадир.

Ишончим комилки, халқларимиз ўртасида қарор топган, суронли уруш йилларида тобланган дўстлик бундан буён ҳам Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилаверади.

Жаноби Олийлари, Улуғ Ватан уруши фахрийларига мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, бутун Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ тилаб билдирган эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Дмитрий МЕДВЕДЕВ,**
**Россия Федерацияси Президенти.**

## МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

ОҲАНГАРОН шаҳрида "Ғалла-банк" акциядорлик тижорат банки филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Унинг шаҳар марказида бир қатор назорат қилувчи ва тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи идоралар билан ёнма-ён жойлашганлиги банк мижозларига қулайлик туғдирмоқда.

Равшан РУСТАМОВ.

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Савдо-саноат палатаси кичик корхона ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятлари (бухгалтерлик ҳисоб-китоби)ни автоматлаштиришни кўзлаб, "NetDec" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда "UZTO" миллий дастурини ишлаб чиқишга қаратилган лойиҳани амалга оширмоқда.**

## «UZTO» ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

Бугунги кунда "UZTO" дастури яратилиб, хизматлар, улгуржи ва чакана савдо, ишлаб чиқариш (кичик корхоналар) ва фермер хўжаликлари ҳисобини юритиш юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилинди. Савдо-саноат палатаси бухгалтерлик ҳисоб-китобининг ягона ахборот тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозир синовдан ўтказилмоқда.

Ушбу лойиҳа натижаларини ёритиш мақсадида Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда бизнес тузилмалари ва давлат идоралари вакиллари учун семинар ташкил этди. Ушбу тадбир дастурига мувофиқ иштирокчилар "UZTO" дастурининг асосий амалий имкониятлари билан танишдилар. У бухгалтерлик, бошқарув ва молиявий ҳисоб-китобнинг энг илғор технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳар қандай мураккабликдаги ечилмаларни тез ва самарали ишлаб чиқиш имконини берувчи тайёр тамойилларни ўз ичига олади.

### Олтин мерос

## ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ҚАДРИЯТЛАР

Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли дейдилар. Алҳол, ўтмишимиз воқеликларига холисона баҳо бериш имкониятига эга бўлдик, истиқлолимизнинг ҳаётбахш нурлари ҳамиша порлагай.

Кейинги йили 2200 йиллиги кенг нишонланадиган азим Тошкентимизнинг марказида қад кўтарган соҳибқирон Амир Темур ҳайкали, темурийлар даврини акс эттирувчи музей мустақил Ўзбекистоннинг бугунги шон-шуҳрати, куч-қудратига бир ишорадек кўнгилларга ғурур бағишлайди.

Ўз қаламининг билан дунёларни забт этган бобомиз Мир Алишер Навоий ҳазратларига қўйилган ҳайкал эса юксак маънавиятли, мустаҳкам эътиқодли халқимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори, миллий истиқлол ғояларининг халқчиллиги, барҳаётлигидан дарак эмасми? Айтмоқчи бўлганимиз – ўзлигини унутмаган, аждодлари хотирасига ҳурмат билан қараган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди. Бугунги гуллаб-яшнаётган мустақил диёримиз, тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечираётган халқимизни ҳам ёркин хотиралари эъзоз топаётган буюк аждодларимизнинг азиз руҳлари қўллаётган бўлса не ажаб...

Бундай дейишга асосимиз бор, албатта. Мустақиллик йилларида хотираси абадийлаштирилган, номи қайта тикланиб, ёдгорликлар ўрнатилаётган миллий қаҳрамонларимиз, уруш ва қатағон қурбонлари қанча...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фармонига кўра ташкил топган халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси таркибида иш олиб бораётган вилоят «Олтин мерос» жамғармасига ўз ишининг фидойиси, қомусий илмлар билимдони, «Фидокорона хизматлари учун» ордени нишондори Зарифа Эшмирзаева раислик қилади.

– Инсон ҳаётга теран кўз билан қараш учун ўтмишини, аждодлар тарихини, ота-боболари ҳақидаги маълумотларни яхши билиши керак, – дейди жамғарма раиси. – Вилоятда 24 та қадамжо ва зиёратгоҳлар бор. Уларни эҳтиётлаш, ободонлаштириш, таъмирлаш тирикларнинг марҳумлар олдидаги муқаддас бурчидир.

(Давоми 4-бетда).

**ЎРТА махсус таълим тизимида таълим-тарбиянинг янги услублари, усул ва шаклларидан фойдаланиш, маънавий-маърифий, ўқув-услубий, илмий-ўқув ишларини талаб даражасида ташкил этишда олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади.**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорлик ўрнатган. Шу асосда педагог-ходимлар айни кунларда вилоятдаги қатор академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида бўлишиб, замонавий таълим усул ва услубларини ўрганиш, амалиётга татбиқ этиш, ўқувчиларни билим олиши ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишаяпти. Бу ҳамкорлик, айниқса, Чиноз тумани қишлоқ хўжалиги, Бўка тумани маиший хизмат, Қибрай тумани "Чингелди" касб-ҳунар коллежларида яхши самара бераётир. Чунончи, бу ижодий ҳисоботлар, дарсларни таҳлил қилиш ва ўзаро дарсларга кириш, микрогуруҳларнинг ижодий иши, чет эл техника ва технологияларидан унумли фойдаланиш, коллежлар қошида кичик корхоналар ва лабораториялар очиш ва ундан амалиёт соатларида фойдаланишда жуда қўл келмоқда.

Зуҳра ИСМОИЛОВА.

### Ўқув-машғулот

## БИР БОШОҒИ ҲАМ НОБУД БЎЛМАЙДИ

**ҒАЛЛА ўрим-йиғим мавсуми яқинлашгани сари, бу муҳим тадбирни қисқа муддатда муваффақиятли амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам маромида якунланиб бормоқда. Бу йил вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари ҳам мавсумга алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар.**



Шу муносабат билан Оққўрғон туманида "Ғалла ҳосили ўрим-йиғими билан боғлиқ ишларни бажариш чоғида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича давлат тизими ҳудудий бўлимларининг ўзаро ҳамкорликдаги хизматини ташкил этиш" масаласига бағишланган махсус тактик ўқув-машқлари ўтказилди.

Эрта тонгдан кенг майдонда сафга терилган техника воситалари – "Кейс" комбайнлари, "Класс" тракторлари, юк машиналари ва ўрим-йиғимга жалб этиладиган бошқа барча механизмлар техник кўрикдан ўтказилди. Кўчма автотаъмир устахоналарининг дала шароитларида техник ёрдам кўрсатиш имкониятлари синаб кўрилди.

Қутқарувчилар комбайнчиларни ёнилғи-мойлаш ашёлари билан узлуксиз таъминлашни уюштириш тизимини, автотранспорт воситалари қийналмай юриши учун қишлоқ йўллари ва кўприкларни таъмирлаш ишларининг боришини, шунингдек, ахборот тўплаш ва таҳлил этиш бўйича дала штабининг ишини текширувдан ўтказдилар.

Банк муассасалари вакиллари ўрим-йиғимга жалб этилган барча ишчи ва ходимларга меҳнат учун пул тўлаш тартиби ҳақида кенг тушунча бердилар.

Ўқув-машқлари жараёнида кўчма тиббий хизмат пунктининг бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш ва дам олиш жойлари ҳамда дала шароитларида овқат пишириш пайтида санитария-гигиена тадбирларини ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Шифокор ва тез ёрдам машиналари дори-дармон ва




боғлаш материаллари билан тўла таъминланган ва улар исталган жойга вақтида етиб бориш имкониятига эга.

Ўт ўчирувчилар ҳам машқ давомида ўз имкониятларини намойиш этдилар. Шу билан бирга улар механизаторларга ёнғин чиқишига йўл қўймаслик, дала ва ғаллани қабул қилиш пунктларида ёнғин ўчоқларини йўқ қилиш бўйича амалий тавсиялар бердилар.

Хулоса қилиб айтганда, ғалла ўрим-йиғимида иштирок этувчи барча соҳа вакиллари машқлар давомида мавсум ишларини ҳар томонлама пухта ташкил этиш ва ҳар қандай фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча маълумотлар олдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов иштирок этди.

**СУРАТЛАРДА:** ўқув-машқлар жараёни.

## ДИПЛОМАТЛАРНИНГ МАДАНИЙ ФЕСТИВАЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларининг маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Россия, Туркманистон, Корея Республикаси, Миср, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Украина, Польша, Чехия, Индонезия, Италия, Вьетнам, Бангладеш, Туркия каби йигирмадан зиёд давлатнинг Тошкентдаги элчихоналари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрият ва анъаналари, миллий либос ва таомлари намойиш этилди.

– Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, – деди Туркманистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Пирмуҳамедов. – Мамлакатингизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун барча шароит яратилган. Ёшларни Ватанга, миллий анъаналарга садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

ЎзА.

## ЯПОНИЯ ГРАНТИ СОВРИНДОРИ

**АНГРЕНДАГИ 29-умумтаълим мактаби таълим соҳасидаги умуммиллий давлат дастури ижросини таъминлаш, «Мактаб, оила, маҳалла» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш каби йўналишлар доирасида эришилган ютуқлар учун чет эл грантига сазовор бўлди.**

– Шу муносабат билан жалб этилган 80 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни сўнгги моделдаги компьютер жамланмалари ҳамда зарур жиҳозлар олишга сарфламоқчимиз, – дейди мактаб директори Зарифа Шокирхонова. – Шунингдек, ўқувчиларни касбга тайёрлаш мақсадида ташкил этилган кичик ўқув комбинатимизга 10 та «Зингер» тикув машиналари келтирилади.

Мунаввара РАЖАБОВА.

Олтин мерос

# ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ҚАДРИЯТЛАР

**– Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган юртдошларнинг тақдирини аниқлаш, қабрларини излаб топиш мақсадида олиб борилган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– 1984 йилда иш бошлаган «Прометей» қидирув экспедицияси аъзолари ўз фаолияти давомида етмишдан ортиқ сафар уюштирди. Уруш йилларида Россия, Белорусь, Украина ерларида қолиб кетган ватандошларимизнинг суяклари топилиб, тегишли расм-русум билан қайта дафн этилди, 20 дан ортиқ биродарлик қабристонлари яратилди.

Уруш бўлиб ўтган жойлардаги оталар қабрларига юздан ортиқ оилалар олиб борилди. Мустақиллик йилларида қидирув ишларимиз анча жонланди, бир юз саксондан ортиқ кўрсатув ва 200 дан ортиқ радиоэшиттиришлар ташкил этилди. Ҳозирги кунда «Меҳр кўзда» телекўрсатуви билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Қидирув ишлари давом этмоқда.

**– Ўтганларни хотирлаб, руҳларини шод этиш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Шу маънода жамғарманинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга...**

– Қарийб ўн саккиз йилдан буён қадамжолар, қабристонларнинг осудалиги, саранжом-саришталиги учун ҳаракат қилиб келаяпмиз.

Албатта, бу бир кишининг иши эмас. Лекин Мустақиллик туфайли ўтмишда асоссиз унутилган қадамжолар, зиёратгоҳлар ўз ўрнига, ўз элига қайтарилганлигини таъкидламоқчиман. Бундай хайрли ишлар неъматидан келажак авлодлар ҳам баҳраманд бўлиши учун кўп ишлар қилиниши керак.

**– Вилоятимизнинг Зангиота, Олмалиқ, Оҳангарон, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Паркент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида «Олтин мерос» жамғармаси тасарруфидаги қадамжолар ободонлаштирилиб, қайта таъмирланаётганини эшитдик...**

– Бу борада айтишга арзигулик ютуқларимиз бор. Лекин, таъкидлаганимиздек, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Зиёратгоҳлар, қадамжолар ўтмишдан дарак беради. Тарихдан сабоқ олиш учун имкон яратади. Шу маънода Оққўрғондаги Шомилқори ота қадамжоси – Шоҳруҳия ҳақида тўхталмоқчиман. Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган улкан харобa неча замонлардан буён дунё олимларининг диққат-эътиборини тортиб келади. Сабаби – Шоҳруҳия бир пайтлар гуллаб яшнаган диёр – темурийлар салтанатининг энг ёруғ юлдузларидан эди.

Ўзининг бетакрор иншоотлари, карвонсаройлари, бозорлари, савдо расталари билан узоқ-узоқлардан келган олимлар, савдогарларни лол қолдирган, шоирларни ҳайратга солган афсонавий Банокат шаҳри босқинчилар қурбони бўлган экан. Шаҳар марказида босқинчиларга бўйсунмаган 60 киши қатл эттирилган. Ана шу вайрона устида орадан кўп йиллар ўтгач, соҳибқирон Амир Темур фармони билан гўзал шаҳар – Шоҳруҳия барпо этилган эди. Муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган бу шаҳар доимий ҳуружлардан, жангу жадаллардан кўп зиён топган, қанча-қанча қонлар тўкилган. Шунинг учун минглаб одамларнинг қувончи ва фожиаси, фарзандлари ёв қўлида қурбон бўлган аждодларимиз нидоси яширинган харобаларнинг ҳар бир ғишти, ҳар бир гиёҳи жон қадар азиз бўлиб қолган менга. Қадимий шаҳар харобаларини тиклаш ишлари мустақиллик йилларида жадаллик билан олиб борилди. Лекин бу кўпчиликнинг виждон ишига айлансагина кўзланган мақсадга етиш мумкин. Шунингдек, Оққўрғондаги яна бир қадамжо – Қанқа ёдгорлиги Тошкент воҳасининг энг катта ёдгорлиги ҳисобланади. Уни ўрганиш, тиклаш олдимиздаги катта вазифалардан биридир.



Оққўрғондаги «Қанқа» ёдгорлиги.



Пскент туманидаги «Хасти-бузрук» зиёратгоҳида.

Шу ўринда ўтмишга айланган шўролар даври қатағон йиллари қурбонлари ҳақида ҳам икки оғиз сўз. XX аср охирида вилоятимизнинг Қибрай тумани, Салор қишлоғида одам суяклари, кийимлари топилди. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида рўй берган қатағоннинг мудҳиш оқибатлари ҳали ҳам кўп хонадонларга соя солиб туради. «Олтин мерос» жамғармаси қидирув экспедициясининг хайрли ишларидан яна бири – ушбу ҳудудда барпо этилган қабристон ва хотира боғи ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг эъзозли зиёратгоҳига айланган.

Зиёратгоҳ, табаррук қадамжоларга бўлган муносабат ҳар бир халқнинг маънавияти, инсоний фазилатларини белгилайди. «Агар хурсандчиликдан терингга сиғмай кетсанг ҳам қабристонга бор, ғам-аламдан дарди-дунёинг қоронғи бўлиб кетса ҳам қабристонга бор» дея бежиз айтилмаган. Зеро, дунёи дуннинг асл моҳиятини ҳис этиш, тирикликнинг ўзи улуғ бир неъмат эканлигини тушуниш учун бундан бошқа таъсирли амалнинг ўзи йўқ. Шу ўринда зиёратгоҳларга борган одамларнинг хулқи ҳақида ҳам айрим мулоҳазаларим бор. Эътиборингиз учун бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Зангиота зиёратгоҳи нафақат Ўзбекистон аҳолиси, балки чет эллик мухлисларнинг ҳам эътиборидаги табаррук қадамжо. Аммо, одамларнинг тошларга ўз номини ёзиб кетиши, ҳовузларга гўёки «дам» солинган тупроқни сочиш, чироқ ёқиш баҳонасида ҳамма ёқни қора куяга бўяш... Ёки зиёратга келибоқ қозон-ўчоққа ёпишиш, биринчи навбатда қоринни ўйлаш тўғримикан? «Қон чиқариш» баҳонасида ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйишдан эътиқоду диёнатга ғубор қўнмасмикан?

Яхшиси, ўша зиёратгоҳларга икки дона гул экилса, ҳар келганда дарахтларга икки челак сув қуйиб кетилса, эҳтимол қалблар кўпроқ таскин топар.

Ҳозир вилоятимиздаги Шоҳруҳия, Қанқа, Салор, Ийк ота, Орашон бува, Заркент ота, Лочин бобо, Ҳазрати Али, Шодималик ота, Шайх Умар Вали, Оқсоқ ота каби зиёратгоҳларни ободонлаштириш ишлари маҳаллий жамоат ташкилотлари, ҳокимликлар ёрдами билан амалга оширилмоқда. Бу ишларимиз янада оммавий тус олса, марҳумлар руҳи олдида юзимиз ёруғ, дилларимиз нурафшон бўлар эди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**«ОЛТИН МЕРОС» ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ТАСАРРУФИГА ЎТКАЗИЛГАН ЗИЁРАТГОҲЛАР**

«Парпи ота» – Олмалиқ шаҳри.
«Шомилқори авлиё» – Оққўрғон тумани.
«Ҳазрати Али», «Шодималик ота», «Ғавсул Аъзам»,
«Орашон бува» ҳамда «Сардоба» – Оҳангарон тумани.
«Шайх Умар Вали», «Қадамчи бува», «Сурон ота»,
«Оқсоқ ота», «Ҳазрати Мулло», «Пайғамбар ота»,
«Нуракотатепа» ва «Авлиёсой» – Бўстонлиқ тумани.
«Содир ота» ва «Саид ота» – Зангиота тумани.
«Заркент ота» ва «Лочин бобо» – Паркент тумани.
«Адҳам Саҳоба», «Саид Маҳмуд Вали» ҳамда
«Усмонота» – Ўртачирчиқ тумани.
«Ийк ота» ва «Саксон ота» – Юқоричирчиқ тумани.

Шундайлар бор бўлсин

# ҲАЗРАТИ ИНСОН

## Ўртачирчиқ тумани Бешбой қишлоғида яшовчи уруш фахрийси Қаюмбой ота Маҳкамовга бир оғиз илиқ сўз

Биз қаҳрамонларни кинофильм ва китоблардан излаймиз. Уларга ҳавас қиламиз, уларга ўхшагимиз келади. Уларни юрагимизга жо қиламиз, бир умр ардоқлаб юрамиз.

Қаҳрамонлар орамизда эканлигини, биз билан ёнма-ён яшаётганини, ҳатто, ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Баъзан эса бу камтар, хокисор инсонларни тан олмаймиз ҳам...

Қаюмбой ота Маҳкамов 90 ёшда. Маълумоти 2-синф. Бошқа ўқишга имкони бўлмаган. Уни билган, таниганлар билан суҳбатлашар эканман, ҳаёт йўли катта бир мактаб, сиз билан биз, ўртаю олий маълумотлилар дарс оладиган дорилфунун эканини ҳис этдим.

Ота фалсафа сўзини ишлатмайди. Ҳатто, билмайди ҳам. Лекин, унинг ҳаётда ўз фалсафаси бор. Бугунги ҳикоямиз, унинг изтиробли, дардли, аммо инсонийлик билан йўғрилган умр йўли, мени чуқур ўйлантирган ва ҳавасимни келтирган ҳаёт фалсафаси тўғрисида.

У 1943 йили Украина фронтида, Киев шаҳри яқинида яраланди. Балашово госпиталида операция қилишди. Осколка тешиб ўтган чап оёғининг товонини кесиб ташлашди. Урушдан икки қўлтиқтаёқда қайтди.

Урушгача эса колхозда шофёр бўлиб ишлаганди. Энди эса ногирон. Қандай қилиб машина ҳайдасин. Ҳатто, қўлтиқтаёқсиз юра олмайди. Унга енгилроқ ишларни таклиф этишди. Рози бўлмади. Тўғриси, ғурури йўл қўймади.

«Трактор ҳайдайман!..» Бу фикр унинг хаёлини чулғаб олди. У биринчи бор занжирли ЧТЗ тракторига ўтирди, механик Омон Жуманов раҳбарларга билдирмасдан рухсат берганди. У ҳайдов тракторини равон бошқариб борарди. Бурилиш лозим бўлиб, чап педални босганида кўзидан ўт чақнаб кетгандай бўлди. Товонсиз яра оёқ шундай оғриқ бердики... Аммо, у чидаши керак. Чидади ҳам. Оз эмас, кўп эмас, 10 йил чидади.

Меҳнат фахрийси, собиқ тракторчи Абдухалил Тўлибоев хотирасидан:

– Мен ҳайдов тракторида Қаюмбой ака билан баъзан бирга, баъзан ёнма-ён ишладим. Унинг бардошига тан берардим. У вақтларда пахта терими янги йилгача давом этарди. Айни қаҳратон қишда ер ҳайдардик. Ҳаво совуқ, темир эса ундан ҳам совуқ. Яра оёқ педални босаверганидан қонаб кетар, чидаб бўлмас даражада азоб берарди. Қонаётган оёқни пайтава билан артиб, яна тракторини ҳайдаб кетарди. Қаюмбой ака буни ҳеч кимга сездирмасди. Билишларини ҳам истамасди. Мендан ҳам айтмаслигимни сўраган. Мана, орадан ярим асрча вақт ўтибдики, энди биринчи бор сизга айтаяпман.

Бу хотирани тинглар эканман, ўзимга-ўзим савол бераман. «Қаюмбой ота қандай инсон ўзи? Нега ўзини қийнади? Бу азобларга нега чидади? Ким учун чидади?»

Олис хотиралар уйғонади. Оёғида оғриқ, уйчан келаётган навқирон йигитнинг олдидан бир болакай чиқди. У чамаси тўрт ёшларда эди.

– Сиз дадамсиз-а? Ойим даданглар келади дейди. Сиз бизни излаб келаяпсиз-а? – Болакай унинг оёқларига ёпишди.

Навқирон йигит уни кўтариб олди. Юзларидан ўпди. Даҳшатли жангларда ўлим кўрганида, товонини суяги билан кесиб ташлашганида, яра оёғи йиринглаб, оғриқ берганида йиғламаган кўзига илк бор ёш келди. Болакайни уйига кўтариб олиб борганида отасиз, чирқираб ўтирган 5 етимни кўрганида кўнгли янада бўшашди...

Кўрган қизлар ҳавас қиладиган, хушсурат, навқирон йигит 5 фарзандли бева аёлга уйланди. Эшитганлар ҳар хил гап-сўз қилишди. Қаюмбой ака буларга парво қилмади.

Ахир бу қандай гап? Қандай фалсафа? Буни тушуниш мумкинми? Англаш учун эса унинг 5 ёшида етим қолганини, ёлғиз акасидан урушда айрилганини, иккинчи оёғидан 5 сантиметр калта оёқда тортган азоб ва дардлари, изтиробларини ҳис этиш, унинг гўзал ички дунёсига бир нигоҳ ташлаш лозим эди.

Беш етим бола, кейин туғилган яна 7 фарзанд. Урушдан кейинги оғир йиллар. 12 болани боқиш, кийинтириш лозим эди. Яра оёқ эса тобора азоб берарди. Аммо, у чидарди, зорланмасди. На бировдан, на бирор муассасадан ёрдам сўрамасди. Унинг иродаси кучли эди. Тана эса доим ҳам руҳга бўйсунавермайди. Унинг чап оёғи тиззасигача йиринглаб кетган аҳволда касалхонага олиб боришди. Жарроҳлар оёғини тиззасигача кесиб ташлашдан бошқа чора топа олишмади.

Қишлоқ чеккасидаги кенг далага туташ ҳовли. Унга кираверишда чап томонда нураб қолган эски уй. Тўғрида эса янгидан солинган иморат. Чап тарафдаги уйга кираман. Тупроқли айвоннинг чап томонида ғиштдан қилинган печка, юқорироғида эса супа. Унинг устига тахта ётқизилган. Ичкарида яна 2 та хона бор. Қаюмбой ота у ёққа кирмайди. Мана шу супа унинг ётоқ жойи.

Фарзандлари уйли-жойли бўлиб кетишди. Неваралари кўп. Саноғини билмайди. Турмуш ўртоғи Турсунбуви вафот этди. Ўғиллари уйларига олиб кетишмоқчи бўлишди. Унамади.

Кичик ўғли Исроил отасига ҳовли юқорисидан янги уй солиб берди. Икки уй ораси 6-7 метр бўлса-да, кўчиб ўтмади. Ҳамон 1950 йилда ўз қўли билан қурган, нурай бошлаган уйда яшамоқда.

Қаюмбой отанинг урушдан ногирон бўлиб қайтиб келганига 65 йил бўлди. Бу вақт ичида ҳеч қандай ташкилотга ёрдам сўраб бормади. Бирор ташкилотдан ҳеч ким келиб хабар олгани ҳам йўқ. Қаюмбой ота хафа ҳам эмас. У ўз ҳаётидан мамнун. Фарзандларидан хурсанд. Ҳар куни уч маҳал тансиқ овқат олиб келишади. Иссиқ-совуғидан хабар олиб туришади. Унинг учун – муҳими фарзандларининг бахти.

Ота билан ҳовлида хайрлашаётиб, ариқ чеккасидаги бу йил экилган 5 туп узум кўчатига кўзим тушди.

– Яқинда экдим, – деди Қаюмбой ота, – чўккалаб ўтириб, тешада чуқур кавладим. Сувга ариқча ҳам олдим. Кўкариб, ҳосил берса, набиралар ейишар. «Ҳаётингдан бир кун қолса ҳам кўчат эк» дейишган-ку оталар. Ахир, биздан шу қолади.

«Қаюмбой ота, – дедим ўзимга ўзим. – Ахир, сизнинг ҳаёт йўлингиз қаҳрамонлик, меҳнатингиз жасоратку. Яна нима қолдиришингиз керак? Биз-чи, биз нима бердик сизга? Жасоратли меҳнатингизнинг, ҳеч бўлмаса, ўзингизнинг инсон сифатидаги қадрингизга етиши, лоақал бирор марта хабар олиши лозим бўлган одамларчи?»

Қаюмбой ота фикримни уққандек, майингина кулди:

– Нолиш – ношуднинг иши. Юртимиз тинч, турмушимиз осуда. Ишлайман, яхши яшайман деганга ҳамма имконият бор. Юртбошимизга, ҳукуматимизга раҳмат. Ўтганлар хотираси, тириклар қадри жойида. Инсонга бундан ортиқ яна нима керак! – деди-да хайрлашишга қўл узатди.

Мен ҳаётимда биринчи бор, бошқаларга ўхшамаган, таъбир жоиз бўлса, жаннати одам деб атагим келган ҳазрати Инсоннинг қўлини ушладим.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**

Дўрмон ҳангомалари

## АБДУЛЛА – ШЕР!

*Афандимижоз шоир Азиз Абдураззоқ ҳазилкашлиги, қувноқ, ичакузди латифалар, ҳангомалар тўқишга усталиги билан ҳам маълум ва машҳур. Айниқса, унинг устоз Саид Аҳмад ҳақида тўқиган латифалари мароқлидир.*

*Бир куни Дўрмонда истиқомат қилаётган Азиз ака зерикиб, гурунглашиш учун шоир Абдулла Шернинг чорбоғига айланиб боради. Шарпани сезгач, йўлак адоғида елкасига чопон ташлаган шоир кўринади. У билан кетма-кет кичкинагина лайча кучук ҳам тинимсиз акиллаганча эргашиб келаверади. Темир панжара олдида ҳол-аҳвол сўрашаркан, Азиз ака лайчага қараб, шундай сўз ўйини қилади:*

*– Қанчалик акилламагин, сен барибир лайчасан, Абдулла эса – шер!*

## ЖАВОБ ТАЙЁР

*Шоир Абдусаид Кўчимов фарзандининг тўйига таклиф қилиш учун Дўрмонга – устоз Саид Аҳмаднинг дала ҳовлисига боради. Таклифномани олган устоз бошини сарак-сарак қилиб, ўзича койинади:*

*– Мен сени дуппа-дуруст бола деб юрардим, афсуски, сендан ҳам ёруғлик чиқмади.*

*– Ҳай, нима гап ўзи, устоз?*

*– Шунчалик саъй-ҳаракат қилиб, тўй бошлабсан, мени ҳам ўғлингга қўшиб уйлаб қўйсанг бўлмасмиди? Бир умр сени дуо қилиб юрардим.*

*– Яхши ният – ярим мол, устоз!*

*Абдусаид Саид Аҳмаднинг доимий ҳазилкаши, дилкаш шоир Азиз Абдураззоқни ҳам тўйга айтаркан, юқоридаги ҳазил-мутойибани эслатиб, дейди:*

*– Устознинг ана шу ҳазилига муносиброқ жавоб тополмадим-да, Азиз ака!*

*– Э, жавоб тайёр-ку! – дейди Азиз ака оҳиста жилмайиб.*

*– Қани, эшитайликчи!*

*– Сизни уйлантириб, дуонгизни олардим-у, аммо келиндан бир умр қарғиш эшитардим-да, демадингми?!*

**Шодмон ОТАБЕК.**

**БУХОРО шаҳрида миллий спорт ва халқ ўйинлари анъанавий фестивали бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ёшлар йилига бағишлаб ташкил этган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ёшларни аждодларимиз бебаҳо меросидан баҳраманд этишдир.**

## ГРАН-ПРИ – ВИЛОЯТИМИЗ ВАКИЛЛАРИДА

Маънавий қадриятларни эъзозлаш, ўғил-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва уларни жисмонан баркамол этиб тарбиялашдан иборат бўлган ушбу фестивалда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 дан зиёд ёшлар иштирок этди.

Қизғин баҳслар якунида белгиланган шартлар бўйича юқори натижа кўрсатган Тошкент вилояти жамоаси бош соврин – Гран-прига сазовор бўлди.

**ЎзА.**

Хотира саодати

# ЁРУҒ ЮЛДУЗ ЯНГЛИҒ...

**ТЎЙТЕПАДА, шаҳар марказидаги каттакон футбол ўйингоҳи Олим Аширов номи билан аталади. Катта авлод орасидаги ҳақиқий футбол ишқибозларигина эмас, унга шунчаки «ёввойи ўйин» деб қарайдиганлар ҳам яхши билишади – стадионда ёхуд ойнаи жаҳонда шарҳловчининг «тўп билан Аширов» деган умидбахш ибораси янграганда, миллионлаб юраклар қанчалар ҳаяжонга тушганини... Бир кам ўттиз йил бўлибдики, мухлислар устоз шарҳловчимиз айтганидек, самога юлдуздек сочилган пахтакорчиларнинг шиддатли ва бетакрор ўйинларини ҳануз ўкинч ва армон билан эслашади.**

«Пахтакор» қудратли, яхлит бир жамоа сифатида дадил шаклланиб, бирин-кетин халқаро майдонларни ҳам ишғол қила бошлаган, узоқ-яқин қўшнилар ва ҳатто, Европа мамлакатларининг манаман деган клублари билан тенгма-тенг ўйнаб келаётган, мухлисларга олам-олам қувонч улашаётган бир вақтда фожиага учради. 1979 йилнинг 11 август куни машҳур «Динамо» жамоасига қарши майдонга тушиш учун Минск шаҳрига отланган пахтакорчилар учаётган ҳаво лайнери қарийб 8400 метр баландликда...

Ҳалокат оқибатида бошқа йўловчилар қатори «Пахтакор» жамоасининг 17 нафар аъзоси ҳам ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Ўша ҳалокатда «Пахтакор» сафида кетган уч ёркин юлдуз вилоятимизда туғилиб ўсган ўғлонлар эди. Монреаль олимпиадаси бронза медали соҳиби Владимир Фёдоров, ёшлар ўртасида Европа чемпиони Михаил Ан ва спорт устаси Олим Аширов...

Минг афсуски, улар ҳали футбол оламида ўз иқтидори ва бор салоҳиятини тўла намоён қилиб улгурмаган, кундан-кунга, ўйиндан-ўйинга очилиб, камолга етиб бораётган футболчилар эди. Мухлислар улардан ҳали кўп нарса кутишаётганди, ўзбек футболининг умиди катта эди...

Бироқ инсон учун чинакам саодат, уни қандай қисмат кутаётганидан қатъи назар, ортидан яхши ном, ўчмас из қолдиришдир. Марҳум Олим Аширов ва унинг қисматдошлари неча марталаб миллионлаб мухлислар хонадонига байрам олиб кирди, кўнгилларга хуррамлик улашди. Диёримизда спортни, «миллионлар ўйинига» айланган футболни оммалаштириш ва равнақ топтиришга, ёш авлод онгида ватанпарварлик ҳиссини камол топтиришга муносиб ҳисса қўша олди.

Бугун халқимиз бу баҳодир ўғлонларни фақат эзгулик ва эҳтиром билан тилга олади. Мамлакатимизда 1980 йилдан буён «Пахтакор» хотира турнири мунтазам ўтказиб келинаяпти. «Пахтакор»нинг уч сўнмас юлдузи туғилиб ўсган вилоятимиз ҳамиша ана шу турнирнинг доимий ва асосий маркази бўлиб қолаверади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Рассом хандаси




**Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.**

Учтепа туман ҳокимияти томонидан 2007 йил 31 июлда "JAMOLXON" МЧЖга берилган № 001734-01 реестр рақамли гувоҳнома, думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Ҳозирда "JAMOLXON" МЧЖ суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига асосан "JAMOLXON" МЧЖдан "JAMOLXON" хусусий корхонасига қайта ўзгартирилиб, қайта давлат рўйхатидан ўтказилмоқда. Бундан буён "JAMOLXON" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси "JAMOLXON" хусусий корхонаси ҳисобланади.

Утерянный диплом К № 011656 выданный 15 июня 2002 г., Ташкентским политехническим профессиональным колледжом на имя Байрамовой Азизы Иргашевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянное свидетельство о базовом образовании UZK № 022562 выданное 16 июня 1999 г., школой № 3 Сергелийского района г. Ташкента на имя Байрамовой Азизы Иргашевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент шаҳар Молия коллежи томонидан 1992 йил 8 сентябрда Хайматов Дониш Жуманович номига берилган МТ № 966473 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный аттестат о среднем образовании А № 520584, выданный 22 июня 1991 г., школой № 2 Сергелийского района г. Ташкента на имя Драгункиной Нанны Георгиевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом Т № 180894, выданный 13 мая 2005 г., Ташкентским политехническим профессиональным колледжом на имя Драгункиной Нанны Георгиевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8907. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 6 7 8